



# Жанубий

# ҚОЗОҒИСТОН

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 11 январь, шанба, №3 (3504).

## ПРЕЗИДЕНТ ЛОЙИҲА ИДОРАСИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

**ЭКСПО** шаҳарчасида жойлашган Лойиҳа идораси мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар ва стратегик ташаббусларни амалга оширишга ҳисса қўшиш мақсадида ташкил этилган.

Лойиҳа идораси Давлат раҳбарининг Мактублари ва Қозоғистон Миллий тараққиёт режасида белгиланган устувор вазифаларни сифатли амалга ошириш юзасидан ечимлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Қасим-Жўмарт Тўқаевга фискал барқарорликни таъминлаш учун дастурий ечимларини жорий этиш, Манғистау вилоятини тараққий эттириш, инсон капиталини ривожлантириш каби стратегик муҳим лойиҳаларнинг ижроси ҳақида маълумот берилди.

Бундан ташқари, Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги транспорт ва логистика, соғлиқни сақлаш, таълим ва маориф, энергетика, сув, саноат ва қурилиш, рақамли тараққиёт, инновациялар ва минтақаларни ривожлантириш каби йўналишлар бўйича идоралараро гуруҳларни шакллантирди. Ушбу ёндашув юқори сифатли ва жадал натижаларни таъминлаш учун соҳадаги вазифаларга эътибор қаратиш имконини беради.

Президент тақдиротлар би-



лан танишиб, Ҳукумат аъзолари асосий эътиборни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратишлари зарурлигини таъкидлади.

– Олдимизда муҳим вазифалар турибди. Энг аҳамиятлиси, Давлат раҳбари топшириқлари ижросини алоҳида назоратга олиш. Ушбу марказнинг асосий мақсади – ислохотлар самардорлигини ошириш. Уни Президент Маъмурияти раҳбарининг биринчи ўринбосари Дархан Сатибалди назорат қилади. Вазирлар ҳам, ҳокимлар ҳам дадил

қарорлар қабул қилишга тайёр туришлари керак. Муқаддам мен Ҳукумат олдида аниқ вазифалар кўйгандим. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари бўйича у мустақил равишда зарур қарорлар қабул қилиши шарт. Мен аниқ натижаларни талаб қиламан, – деди Қ. Тўқаев.

Президент вазирлар ва раҳбарларни қатор вазифаларга эътибор қаратишга қақирди. Давлат раҳбари атом энергетикасини ривожлантириш истикболларига алоҳида тўхталди.

– Атом электр станцияларини барпо этиш масаласига келсак, бу ишни жадаллаштиришимиз керак. Мен «Ана тили» газетасига берган мусохабада иккита, эҳтимол, учта катта станция қураимиз, деб айтгандим. Биз Қозоғистонни ядро энергетикаси ривожланган давлатга, сунъий заковат ва рақамлаштириш тўлиқ жорий этилган мамлакатга айлантиришимиз керак, – деди Қ. Тўқаев.

**Akorda.kz**  
маълумотлари асосида.

## ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ КЕРАК

Вилоят ҳоқими Нуралхан Кўшерев ўтказган йиғилишда давлат харидлари тизимида амалга оширилган ишлар ва долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Вилоят раҳбари бюджетни самарали ва мақсадли бошқариш, лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

– Барқарор давлат харидларини тизимли ривожлантириш, тизимда рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш, давлат харидлари иштирокчиларининг шартнома мажбуриятларига риоя этишини таҳлил ва назорат қилишнинг рақамли технологияларга асосланган мажмуавий дастурини жорий этиш ҳамда лойиҳалар белгиланган муддатларда амалга оширилиши керак. Мутасадди бўлимлар туман ва шаҳарлар ҳокимлари, бошқарма раҳбарлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиши шарт. Мутасадди раҳбар ва мутахассислар учун маърифий тадбирлар ва семинарлар ўтказиш зарур. Давлат харидлари жараёнлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ва тизимли равишда амалга оширилиши керак. Давлат харидлари тизимида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув-услубий, илмий ва ахборот-таҳлилий базани такомиллаш-



тириш даркор. Бу борада камчиликларга йўл қўйган раҳбарлар жавобгарликка тортилади, – деди Нуралхан Кўшерев.

Вилоят давлат харидлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Марлен Қалдаровнинг сўзларига кўра, 2024

йил бошидан буён бошқармага буюртмачилардан 1345та ариза тушган (қиймати 216,3 млрд тенге) Бугунги кунга қадар унинг 1345таси бўйича қарор қабул қилинган (қиймати – 216,3 млрд тенге).

Йиғилишда давлат харидлари тизимидаги камчиликлар тилга олинди, тегишли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Вилоят ҳоқими мутасадди бошқарма раҳбарлари ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимларига бу борадаги ишларни такомиллаштириш, аниқ вазифаларни бажариш юзасидан топшириқлар берди.

– Маблағларни ўзлаштириш, улардан фуқаролар манфаатлари йўлида фойдаланиш ва лойиҳаларни амалга ошириш қатъий назоратга олинади, – деди Н. Кўшерев.

**Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.**

## ТҮРКИСТОНГА ИЧКИ ПАРВОЗЛАР СОНИ ОРТАДИ

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида Қўстанай – Туркистон ва Қарағанди – Туркистон йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг маънавий пойтахтига икки авиакомпания парвоз қилади.



QAZAQ AIR авиакомпанияси ҳаво қатнови имкониятларини ошириш ва ички туризмни ривожлантириш мақсадида 4 январдан Қўстанай – Туркистон йўналишида ва 13 январдан Қарағанди – Туркистон йўналишида Туркистонга иккита субсидияли парвозни йўлга қўйди. Шунингдек, 13 январдан Астанадан Туркистонга парвозларни бошлаш режалаштирилган.

IQ 361 Қўстанай (15:00) – Туркистон (17:20)  
IQ 362 Туркистон (17:50) – Қўстанай (20:00).

Ижтимоий аҳамиятга молик субсидияли парвозлар баҳоси бир томонга 31 000 тенгени ташкил қилади.

**Қарағанди – Туркистон**  
Парвозлар ҳафтасига 2 марта амалга оширилади:

**Душанба кунлари:**  
IQ 441 Туркистон (09:50) – Қарағанди (11:40)  
IQ 442 Қарағанди (12:20) – Туркистон (14:00)

**Чоршанба кунлари:**

IQ 441 Туркистон (12:10) – Қарағанди (14:00)

IQ 442 Қарағанди (14:40) – Туркистон (16:40).

Имтиёзли рейслар баҳоси бир томонга 20 000 тенге.

**Астана – Туркистон**  
Парвозлар ҳафтасига 2 марта амалга оширилади:

**Душанба кунлари:**  
IQ 369 Астана (07:05) – Туркистон (09:05)  
IQ 370 Туркистон (14:40) – Астана (16:55)

**Чоршанба кунлари:**  
IQ 369 Астана (09:50) – Туркистон (11:40)

IQ 370 Туркистон (17:20) – Астана (19:20).

Имтиёзли рейслар баҳоси бир томонга 17000 тенге.

Авиакомпания 14 ёшгача бўлган болалар учун ижтимоий аҳамиятга молик субсидияли рейсларда 50 фоизли чеғирма тақдим этади.

**Inform.kz**  
маълумотлари бўйича.



## ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИГА – 9 ТРИЛЛИОН ТЕНГЕ САРМОЯ

Мамлакатимизда авиация соҳасидаги энг муҳим инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширила бошланди. Давлат раҳбарининг топшириғига биноан, 2025 йилда Қатўн-Қарағай, Зайсан ва Кендирли курорт ҳудудларида янги аэропортлар қурилади. Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ушбу иншоотларни лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда.

### МАГИСТРАЛ ЙЎЛЛАР

2030 йилгача Қозоғистонда транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг кўламли лойиҳа амалга оширилади. Янги йўлларнинг умумий узунлиги 4,7 минг қақирим бўлади, шундан 3,7 минг қақирими – I тоифали йўллардир.

Иirik лойиҳаларни амалга ошириш жорий йилда бошланади. Бунинг учун жами сармоя миқдори 9 триллион тенгедан ортиқ бўлиб, сармоядорларни жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

### ТЕМИР ЙЎЛ ВА СУВ ТРАНСПОРТИ

Темир йўл транспорт соҳасида ҳам қатор кенг кўламли замонавийлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. 2025 йилда 225та янги вагонлар харид қилинади.

### ДЕНГИЗ ТРАНСПОРТИ ВА АҚТАУ ПОРТИ

Денгиз транспортини ривожлантириш учун Ақтау портида контейнер сақлаш маркази қурилиши бошланди.

Бу Қозоғистоннинг халқаро логистика майдондаги мавқеини мустаҳкамлайди, Транскаспий йўналиши бўйлаб Озарбайжон, Грузия ва Туркия орқали контейнер ташини ҳажмини оширади, шунингдек, Хитойдан келаётган транзит юкларнинг бир қисмини Европага йўналтиради.

## ЎЗБЕКИСТОНДАН ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ВА ХИТОЙГА ЯНГИ АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидан Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия ва Хитойга янги автобус йўналишлари ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ахборот хизмати маълум қилди.

Маълум қилинишича, халқаро йўловчи ташувларида автобус хизматлари улушини ошириш ҳамда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсад қилинган.

### Янги йўналишлар:

**Қозоғистонга:**  
Бухоро – Туркистон;  
Урганч – Ақтау;  
Фарғона – Алмати (Тожикистон орқали).

**Тожикистонга:**  
Самарқанд – Душанбе;  
Бухоро – Душанбе.

**Қирғизистонга:**  
Андижон – Ўш;  
Андижон – Жалолобод;  
Андижон – Арслонбоб;  
Косонсой – Жалолобод;  
Бухоро – Бишкек.

**Россияга:**  
Сурхондарё – Бухоро – Урганч – Нукус – Москва;  
Урганч – Нукус – Уфа;  
Нукус – Краснодар;  
Тошкент – Уфа;  
Тошкент – Краснодар.

**Хитойга:**  
Нукус – Урганч – Бухоро – Урумчи.



## ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИШДА ПУЛ ТЎЛАНАДИМИ?

Ижтимоий тармоқларда Қозоғистон автоташувчилари Ўзбекистон ҳудудига киришда махсус тўлов тўлаши кераклиги ҳақида маълумотлар тарқалмоқда.

Бу хабарга Қозоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги ойдинлик киритди.

“Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматлари ўртасида 2007 йилда имзоланган Халқаро йўл ҳаракати тўғрисидаги битимга мувофиқ, томонларнинг ташувчилари йғим тўлашдан озод қилинган. Ташувчилар фақат пуллик йўллардан фойдалангандагина пул тўлашлари шарт”, деб ёзади вазирлик.

**24.kz.** маълумотлари асосида.



# ҲОКИМ ҚУРИЛИШ ИНШОТЛАРИНИ ОРАЛАДИ

Туркистон шаҳрида маданият уйи ва янги тиббиёт муассасаларининг қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Минтақа раҳбари Нуралхан Кўшерев вилоят марказида қад ростлаётган қатор ижтимоий иншоотлар қурилиш майдонига бориб, бинокорлар билан мулоқотда бўлди. Шунингдек, пудратчи ташкилотлар раҳбарлари билан учрашиб, қатор вазифаларни юкледи.

– Минтақада қурилиш суръати пасаймайди. Аввало, сифатга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ижтимоий иншоотларнинг қурилиши жадвалда белгиланган вақтда якунланиши керак. Иш жараёнида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги керак, – деди вилоят ҳокими.

Туркистон шаҳрида Тиклаш маркази қад ростлади. Иншоот қурилиши 2023 йил сен-



тябрь ойида бошланган эди. Янги марказ зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланади. Бу ерда болаларга мўлжалланган ўйин майдончаси ҳам бўлади. Янги бино яқин кунларда эл қорига топширилади.

Бундан ташқари, вилоят марказида Маданият уйи қад ростламоқда. Бинонинг умумий майдони 10 минг квадрат метр. Қурилиш ишларини жорий йилда якунлаш режалаштирилган.

Минтақа раҳбари Туркистон вилоятида 2 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилиши, шунинг учун янги ижтимоий иншоотларни ишга тушириш муҳимлигини таъкидлади. У иш суръатларини сусайтирмаслик ва қурилиш учун юқори сифатли материаллардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг  
матбуот хизмати.




Қозоғистон Республикаси Парламент Мажлиси депутаты Уласбек Садибеков ва «AMANAT» партияси вилоят бўлими раиси Алтинсари Умбеталиев хизмат сафари билан Сайрам туманига ташриф буюрдилар. Туман ҳокими Арман Сабитов меҳмонларни туман ҳаёти билан яқиндан таништирди. Шунингдек, у 2024 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида сўзлаб, галдаги режалар билан ўртоқлашди.

Мажлис депутати «Ойнабулоқ» мактабида бўлиб, таълим муассасасининг бугунги аҳоли билан таниши. Шундан сўнг у Қорасув қишлоғида жойлашган «Сайрам тумани бандликка кўмаклашиш ва ижтимоий дастурлар бўлими» давлат муассасасининг «Оилаларни қўллаб-қувватлаш маркази»да бўлди.

У. Садибеков қўллаб таълим ва ижтимоий соҳа иншоотларининг барпо этилиши туманининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшишини таъкидлади. Шунингдек, аҳолидан тушган барча саволлар кунт билан ўрганилиб, самарали ечим топишга ёрдам беришини айтди.

Сайрам туман ҳокимининг  
матбуот хизмати.

## МАЖЛИС ДЕПУТАТИ – САЙРАМ ТУМАНИДА



## ХАЛҚ НОИБИ – ТҮЛЕБИЙДА

ҚР Парламент Сенати депутати Уласбек Садибеков Тўлебей туманига хизмат сафари билан ташриф буюрди, унга «AMANAT» партияси Туркистон вилояти бўлими раиси Алтинсари Умбеталиев ҳамроҳлик қилди. Сафар давомида халқ ноиб қишлоқлар ва Ленгер шаҳридаги ижтимоий иншоотлар фаолияти билан танишди.

– Ҳар бир даврнинг ўзига хос талаблари ва режалари бўлади, – деди У. Садибеков партиянинг туман бўлими биносига ўтган туман фаоллари билан учрашувда. – Кунни кеча Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев «Ана тили» газетасига берган мурожабасида ҳар бир қозоғистонликни фаолликка ундади, халқ фаровонлигини ошириш, қишлоқ ва шаҳарларни ободонлаштириш юзасидан қатор вазифалар белгилади. Айниқса, ёшларга алоҳида эътибор қаратди. «Турли йиғинларда ёшларимиз ҳақида тез-тез гапириб тураман. Чунки уларнинг келажагини ўйлабман, қайгураман. Ватанимиз тақдирини ёшларимиз қўлида. Биз аниқ ҳаракатлар орқали ватанпарварликни намоён этадиган юксак маданийатли авлодни тарбиялашга мажбурмиз. Биз барча ислохотларни ёшлар манфаати учун амалга оширмаймиз. Бу шунчаки чиройли сўз эмас, балки давлат дастурининг мазмун-моҳиятидир. Ҳозирги ёшлар бизнинг ёшлигимиздагидан кўра кўпроқ нарса билешади. Бугунги технологик асрда бу меъёрий ҳолатдир. Қозоғистонда иқтидорли, билимли, мақсад сари интилувчан ёшлар кўп. Шунинг учун ҳам мен ёшларга ишонман», – деди у.

Депутат Давлат раҳбари белгиланган вазифаларнинг бош мақсади қишлоқларимиз ҳаёт сифатини тубдан юксалтириш эканини таъкидлади. Шунингдек, у янги қонунлар ва кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари тўғрисида маълумотлар берди. Оммавий ахборот воситаларини кузатиб боришини, унда ёритилаётган вилоятимиз муваффақиятларидан мамнунигини яширмади.

Ленгер шаҳридаги Маданият уйида ўтган туман фаоллари билан учрашувда депутат маъруза ўрнига эркин суҳбат қуриб, аввало, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги янгилликлар, тарихий бунёдкорликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



– Халқимизнинг ҳаёти фаровонлашиб бормоқда. Соҳада ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлялмиш, – деди у. – Бу мустақиллик берган имкониятлар туфайлидир. Президент топшириқлари туманда рисоладагидек амалга оширилаётганига тўхтаган халқ ноиб самарали ижтимоий сиёсат, таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини тубдан ислох қилиш имконини берганини, буларнинг барчаси элдаги тотувлик ва барқарорлик, турли миллат ва элатларнинг бир чангароқ остида бирлашиб, муштарак ҳаракат қилаётгани туфайли эканлигини таъкидлади.

Учрашув доирасида сайловчилар депутатдан ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан жавоблар олишди.

Депутат «Бирлик бор жойда барака бор», деган халқимизнинг доно нақлини эслатиб, сайловчиларнинг ишончини амалий ишлар билан оқлашга ҳаракат қилаётганини айтди.

– Депутат, биринчи навбатда, сайловчилар олдида, эл-юрт олдида масъул, – деди у. – Жойлардаги муаммоларнинг ечимини топиш учун ҳаракат қилишимиз, сайловчиларнинг ишончини оқлашимиз – бош вазифа. Сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар бизга юксак масъулият юклаб, янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

Туман ҳокими Еркеғали Алимқулов индустриаллаштириш, қишлоқларда маҳаллий хомашё ва меҳнат захираларидан кенг

фойдаланган ҳолда янги ва замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уй-жой, ижтимоий ва маиший ҳамда маданий иншоотлар қурилиши, автомобиль йўлларининг ҳолатини, транспорт ва коммуникация хизматларини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталди ва ўз маърузасида туманининг жорий йилда эришган ютуқлари ҳақида гапириб берди.

– Бугунги кундаги асосий вазифамиз, Президентимиз Қасим-Жўмарт Тўқаев таъкидлаганидек, халқимиз фаровонлигини оширишдир, – деди у. – Яна бир устувор йўналиш – ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга ошириш доирасида юзлаб гектар каналлар тозаланди, бунинг учун «Йул харитаси» давлат дастури орқали йирик маблағ ажратилди. Натижада, 4 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, деҳқон хўжалиқларининг даромадини ошириш имконини беради. Жорий йилда ҳам туманимизда юзлаб янги иш ўринлари очилади, кичик бизнес ривожига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Учрашувда жорий йилдан бошлаб туманда сайёҳликни ривожлантиришга кенг йўл очилиши айтилди. Депутат ўзи оралаб кўрган янги йилларга юксак баҳо берди ва тўлебейликларнинг келгуси ишларига омад тилади.

А. АБДУФАТТОҲ.

## ДАВЛАТ ТИЛИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ХИЗМАТ ДОИРАСИДА ҲАМ ОЧАДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев «Ана тили» газетасига берган суҳбатда давлат тили масаласига ҳам тўхталди.

– Яна бир долзарб масала бор. Сўнгги пайтларда қозоқ тилининг қўлланиш доираси сезиларли даражада кенгайди. Давлат тилини мукамал биладиган фуқаролар сони ортиб бормоқда. Демак, қозоқ тили талаб кучаймоқда. Қолаверса, чет элликларнинг ҳам тилимизни ўрганишга қизиқиши аввалгиларга ўхшамайди. Қозоқ тилининг жамиятдаги ролини янада ошириш учун нима қилиш керак?

– Ҳа, сиз ҳақсиз. Қозоқ тилининг рақобатбардошлиги, уни ўрганишга қизиқиш жадал ўсиб бормоқда. Энг муҳими, қозоқ тилини билиш русумига айланган, ёшларимиз уни пухта эгаллашга интилоқда. Давлат тили фуқароларининг ўсиб-улғайишига, касб-хунар эгаллашига йўл очадиган муҳим омил сифатида қаралади. Мамлакатимиз бизнес вакиллари ўзларининг маркетинг соҳасидаги кампанияларини қозоқ тили истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, олиб борадилар. Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ўта эҳтиёткорлик талаб этувчи, сиёсий аҳамиятга эга бўлган, бу борадаги сиёсат самарали амалга оширилаётганидан далолат беради.

Дарвоқе, дунёда 7000дан зиёд тиллар мавжуд. Улардан уч мингдан ортиқ тиллар йўқолиб кетиш хавфи остида. Қозоқ тили бу гуруҳга кирмайди. Она тилимиз 2024 йилда дунёда энг кўп сўзлашувчи тиллар орасида 79-ўринни эгаллади. Айни вақтда, мураккаб ва зиддиятли шўро даврида она тилимизнинг жаҳон лингвистик харитасидан йўқ бўлиб кетишидан асраб қолган зиёилар, шоир ва ёзувчилар, журналист ва олимлар, ўқитувчи ва маданият арбоблари, қишлоқ меҳнаткашлари, яъни, барча ватанпарвар юрдошларимиз меҳнатини қадрлашимиз керак.

Президент бундан-да юксак натижага эришиш учун фан ва таълим соҳасидаги инфратузилмани замонавийлаштириш, мактаблар ва бошқа



таълим муассасаларида қозоқ тилини ўқитиш тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, ўқитувчиларнинг мақомини юксалтириш каби масалаларни ҳал этиш зарур. 2023 йилда «Қозоқ тили» жамияти ташаббуси билан ташкил этилган махсус жамғармани қўллаб-қувватлаш керак. Бунда рақамли технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зеро, қозоқ тилининг келажақдаги тақдирини, мамлакатимизнинг жаҳоний рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан бунга боғлиқ. Давлат тили ривожига ижодкор ёшлар ва ижодий санъат ҳисса қўшиши мумкин. Иқтисодиётнинг ушбу истиқболли тармоғини ривожлантиришни давлат ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Қозоқ тилида молиявий жиҳатдан қулай, ички ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган ранг-баранг контент яратиш зарур. Бу ерда адабиёт, музыка, фильмлар, сериаллар ва компьютер ўйинларини назарда тутялман. Она тилимизнинг келажаги порлоқ эканлиги шубҳа қилмайман. Қозоқ тили давлат тили сифатида халқимизни жиқслаштиришда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Лекин тилимиз пойдеворини мустаҳкамлаш йўлида уни бошқа тилларга, жумладан, рус тилига қарши қўймаслигимиз керак, – деди Президент.

Райимжон АЛИБОЕВ,  
«Жанубий Қозоғистон»  
ижтимоий-сиёсий  
газетасининг Директори –  
бош муҳаррири,  
ҚХА аъзоси.

## ХАЛҚ ВАКИЛИ ҚАЗИҒУРТ ТУМАНИДА

Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси депутати, Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқий ислохотлар кўмитаси аъзоси, Нурсултан Байтилесов хизмат сафари билан Қазигурт туманига ташриф буюрди.

Парламент депутати Қазигурт туман «Санъат мактаби»да «AMANAT» партияси туман бўлими Марказий бошланғич партия ташкилоти аъзолари билан учрашди. Унда Н. Байтилесов 2024 йилда Мажлис депутати сифатида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисобот берди. У «AMANAT» партиясининг Туркистон вилояти бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган йўл харитасига тўхталди. Шунингдек, Туркистон вилоятига алоҳида мақом бериш тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Халқ ноиб билан учрашувда туман ҳокими ўринбосари М. Аширбаев, «AMANAT» партияси Қазигурт тумани бўлими раиси Е. Исақулов ҳам иштирок этди. Хизмат сафари давомида Парламент Мажлиси депутати Нурсултан Байтилесов қатор тадбиркорлик ва тиббиёт муассасалари фаолияти билан танишди.

Қазигурт туман ҳокимининг матбуот хизмати.

## ПАРЛАМЕНТ ДЕПУТАТИ – САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

ҚР Парламент Мажлиси депутати, Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш кўмитаси аъзоси Нурсултан Байтилесов хизмат сафари билан Сайрам туманига ташриф буюрди.

У дастлаб Оқсувент қишлоғидаги «CAPABLE GROUP MҮ-ГЕДЕКТЕР ҚОҒАМЫ» жамоат бирлашмасида бўлиб, мавжуд қувватларни кенгайтириш, янги турдаги маҳсулот, нам ва қуруқ салфеткалар, кир ювиш кукунлари ишлаб чиқариш жараёни билан танишди. Бугунги кунда мазкур муассасада 100га яқин одам доимий иш билан таъминланган. Корхона қуввати ойига 280 тонна кир ювиш кукуни, 600 тонна салфеткалар ишлаб чиқаради. Маҳсулот Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Афғонистон ва бошқа қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Навбатдаги манзил – Манкент қишлоғидаги «MANKENT CLINIC» замонавий тиббиёт пунктида халқ ноиб ишининг бориши билан танишди. Бугунги кунда ушбу тиббиёт масканида 180 нафар тиббиёт ходими меҳнат қилмоқда. Бу ерда кунига 250 нафар аҳолига хизмат кўрсатилади. Поликлиникада 120 ўринли, қабул бўлими, клиник ташхис, радиоташхис, терапия, жарроҳлик ва бошқа тиббиёт хоналари мавжуд. Муассасада олий тоифали шифокорлар меҳнат қилмоқда.

Учрашув сўнггида ҚР Парламенти Мажлиси депутати Нурсултан Тўленули манкентликларга муваффақият тилади.

З. АҲМАДЖОНОВ.



»» Буюқ Даштнинг улүф алломалари

(Давоми.  
Боши ўтган сонларда).

Шайх тўрага ўтди. Ортидан Султон Санжар, Самарқанд қозиси Абдулраззоқ, Сулаймон,

Мансурхўжа, Бобо Мочин, Қутбиддин тагин Шайхнинг ҳамсафарлари ва ниҳоят, марвлик умароу уламо кирди.

Ҳазрат қўлини дуога очди: — Алхамдулиллахи роббил оламин! Омин! Илоҳа, савоб истаб хонаи муборак сари йўл олғонларнинг мушкулани осон қилгайсан. Илоҳа, мулк эгаси ўз тахтида бардавом этсун, раиятнинг ризқи зеру забар бўлмасин! Илоҳа, бандаларинга фойдали илм ва ўткир фаросат ато қилгин. Аллоҳумма саййирна аҳлул имтиёзи, Аллоҳу акбар!

Султон Санжар қўлини күксига босиб бош эгди:

— Хуш кўрдик, пирим, қадамингиз қулбамизни нурга тўлдирди.

Зиёфат намози асргача давом этди. Сўнг жамоат ибодатга турди. Санжарнинг етмиш газлик ипак чодри бор эди. Ундан ёгин-сочинда ёхуд совуқ кунларда масжид ўрнида фойдаланиларди. Меҳмонлар ўша чодир сари юзландилар.

Султон ул-орифинга иқтидо қилиб салотни адо этдилар. Закий ўқувчимизга аёнки, Шайх ул-машойихнинг неча йиллар руҳиятига эш бир одатлари бор. Ул зот ҳар салотдан сўнг бир-икки соат танҳо қолиб муруқабга берилдилар. Ўз таъбирлари ила айтганда, Арш Қурсисини, Лавҳу Қаламни сайр этадилар. Вужуд шаҳрини кезиб, ичу ташили сарҳисоб этардилар. Пирнинг бул сифатини яхши билган Султон намоздан сўнг таъзимга келди.

— Қиблағоҳ, энди истироҳат этсинлар. Олис йўлда азият чекибдирсиз.

Шайх маъқуллаб бош иргади. Санжар пири қомилни хос ўтовига кузатиб қўйиб, қароргоҳи томон кетди.

Азиз ўқувчи, ниҳоят, салжуқийлар деб аталмиш муаззам ва белоён бир салтанатнинг яққа ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳнинг номаи аъмоли хусусида икки қалима сўз айтмоқ ўрни келди чоғи.

Мана ўттиз йилдирки, Санжар ота мерос мулк султони. У падари бузруквори Маликшоҳ Алп Арслон ҳаётлигида шаҳзодаларга муносиб илму ҳикматни эгаллай бошлаган эди. Санжар қорийи мураттаб эди. Қуръони қаримни етти ёшдан биларди. Аслан аҳли шамшир бўлсада, қалбан аҳли диллардан эди. Тез-тез тақягоҳларни зиёрат қилар, зикрни севаб, давлат ишларидан, арбу зарбдан фориғ бўлганида дарвишлар ҳалқасида ҳордиқ чиқаришни ёқтарди. Таъби назми бор эди. Бадиҳа айтарди. Назмда Собир Термизий, Анварий сингари камол касб этмаган бўлса-да, байтлари гоҳо нишонга тегарди. Суҳбатдошлари уламо, фузало, фикҳ аҳли, муҳаддислардан эди. Мухорабаларда, жангу жадалларда бир неча туяга ортинган кўчма кутубхонасини ҳам олиб юрарди. Қол илми, ҳол илмини ҳўб биларди. Пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёдаки қироат қилганида гулдурақдек кучли, ширадор товушига сомеълар бош эгиб қулоқ соларди.

Ана шу Санжари мозий ибн Маликшоҳ ҳозир турк элининг Шайх-ул машойихи, султонлар султони суҳбатига мунтазир бўлиб, Жайхун бўйида ҳаёлчан ўтирибди.

Бир замон пири қомилнинг сасини эшитгандек ортига ўтирилди. Кимса йўқ эди. Билдики, пир уни кутмоқда. «Бисмилло» деб, ўрнидан турди. Шайх ўтовига қараб юрди. Султон ул-орифин шоҳни бўсағада қўриб, муртидан қулди. — Давлатпаноҳ, мунда келинг, деб чорлаймиз, қайрилиб қарамайсиз.

Хос хона ила дарё ораси олис эди. Санжар билдики, пири уни савқи табиий ила хузурига чорлаган. Ҳукмдор баҳмал кўрпачага, Шайхнинг рўпарасига бориб ўтирди. Бир замонгача иккала султондан садо чиқмади. Шайх «Майли, шоҳ дардини айтсин», деб

Саъдулла СИЁЕВ

# Аҳмад Яссавий

Роман



кутарди. Санжар эса табибга шарҳи ҳолини баён этмакчи бўлиб келган беморга ўхшар, лекин гапни нимадан бошлашни билмас эди.

Ниҳоят, у кўнглини ёрди: — Ҳазратим, ичим аччиқ майга тўлган хумдай қайнаб тошадир. Дунё зериктирди. Ҳар замон қора қуюндек ҳаёллар босиб келади. Иброҳим Адҳамдек барчасидан воз кечиб, бош олиб чўлу биёбонга кет ва ё дарвишлар ҳалқасига қўшил, дейдур.

— Бул тахайул, — деди Шайх ул-машойих, — Иброҳим Адҳам мақоми бўлак, сизники Вужуд шаҳрини кезиб, ичу ташили сарҳисоб этардилар. Пирнинг бул сифатини яхши билган Султон намоздан сўнг таъзимга келди.

— Қиблағоҳ, энди истироҳат этсинлар. Олис йўлда азият чекибдирсиз.

Шайх маъқуллаб бош иргади. Санжар пири қомилни хос ўтовига кузатиб қўйиб, қароргоҳи томон кетди.

Азиз ўқувчи, ниҳоят, салжуқийлар деб аталмиш муаззам ва белоён бир салтанатнинг яққа ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳнинг номаи аъмоли хусусида икки қалима сўз айтмоқ ўрни келди чоғи.

Мана ўттиз йилдирки, Санжар ота мерос мулк султони. У падари бузруквори Маликшоҳ Алп Арслон ҳаётлигида шаҳзодаларга муносиб илму ҳикматни эгаллай бошлаган эди. Санжар қорийи мураттаб эди. Қуръони қаримни етти ёшдан биларди. Аслан аҳли шамшир бўлсада, қалбан аҳли диллардан эди. Тез-тез тақягоҳларни зиёрат қилар, зикрни севаб, давлат ишларидан, арбу зарбдан фориғ бўлганида дарвишлар ҳалқасида ҳордиқ чиқаришни ёқтарди. Таъби назми бор эди. Бадиҳа айтарди. Назмда Собир Термизий, Анварий сингари камол касб этмаган бўлса-да, байтлари гоҳо нишонга тегарди. Суҳбатдошлари уламо, фузало, фикҳ аҳли, муҳаддислардан эди. Мухорабаларда, жангу жадалларда бир неча туяга ортинган кўчма кутубхонасини ҳам олиб юрарди. Қол илми, ҳол илмини ҳўб биларди. Пири Туркистоний Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ёдаки қироат қилганида гулдурақдек кучли, ширадор товушига сомеълар бош эгиб қулоқ соларди.

Ана шу Санжари мозий ибн Маликшоҳ ҳозир турк элининг Шайх-ул машойихи, султонлар султони суҳбатига мунтазир бўлиб, Жайхун бўйида ҳаёлчан ўтирибди.

Бир замон пири қомилнинг сасини эшитгандек ортига ўтирилди. Кимса йўқ эди. Билдики, пир уни кутмоқда. «Бисмилло» деб, ўрнидан турди. Шайх ўтовига қараб юрди. Султон ул-орифин шоҳни бўсағада қўриб, муртидан қулди. — Давлатпаноҳ, мунда келинг, деб чорлаймиз, қайрилиб қарамайсиз.

Хос хона ила дарё ораси олис эди. Санжар билдики, пири уни савқи табиий ила хузурига чорлаган. Ҳукмдор баҳмал кўрпачага, Шайхнинг рўпарасига бориб ўтирди. Бир замонгача иккала султондан садо чиқмади. Шайх «Майли, шоҳ дардини айтсин», деб

дики, бул кимсанинг эшакни сотиб олганига йигирма йил бўлибди. Эшак қариб, арава торттишдан қолгач, кўчага ҳайнабди. Шоҳ буюрдики, то ажали етиб ўлгунча ем-хашагини бериб эшакни боқасиз, билъакс молингиз талонда, ўзингиз эл аро сазойи бўлурсиз.

— Ажаб ҳикмат экан, — деди Санжар музтар бўлиб.

— Эшак кўнгирак чалганда ҳам қулоқ тугтил! Биз илкимиздин нон еган итларга-да, адолат қилдик, вале вафо кўрмадик.

— Хабаримиз бор.

— Ўшал бетавфиқ Отсизнинг амалин кўринг. Сиз каби соҳиби нафаснинг амри маъруфи ила исломга тобе бир улусни кофир деб чопкун ясади. Нияти дини мустафога тарғиб эмас, нафси ҳайвонийни ризо қилиш эди. Уч дафъа оят ўқиб, қасам ичди. Бундин буён Сайхун бўйига оёқ боссам, шол бўлай, кўр бўлай деб ёлворди. Шайтон айтади, Отсизнинг бўйнига тош боғлаб дарёга ташла, дейди. Азбаройи савоба фарзанд деган эдик, гуноҳидин ўтдик.

Пир бош иргади.

— Лаззати афв интиқомда йўқ. Андиша раҳмондин, шошқалоқлик шайтондин. Хоразмшоҳнинг жонига қасд қилганингизда сиз ҳам нафсингизнинг қулига айланган бўлурдингиз.

— Бировнинг мулкига кўз олайтирғон нобакор ҳам нафс қурбони эмасму, ҳазрат?

— Қурбони. Шаддод ер юзида жаннат яратаман, деб куфрга берилди. Фиръавн худойиқ даъво қилиб ўзидан кетди. Қорун дунё билан дунёни сотиб олмоқчи бўлди. Оқибат не бўлди? Қунапаяку! Бу бевафо дунёдаги фожиаларнинг барчаси нафси аммора туйфалидир. Кибру ҳаво, манманлик, гараз, бойликка ҳирс, зино, мартаба завқи, зулм, таъма, ношуқурлик... Насли башар бу қабохатлардин халос бўлмас экан, одамлар ўртасида на имон, на шафқат, на адлу инсоф қарор топмай. Ҳақ тоало сизу бизни туфроқдин бунёд этибдики, мудом ерга қоқиб юр, аслингни унутма, султон бўлсанг ҳам, ултон бўлсанг ҳам, бу дунёда меҳмонсан, деб буюрмиш.

Санжар дастурхон попугини эзгилаб, мушоҳадага берилди. Назарида пири қомил унинг баъзи гуноҳларини юзига солаётгандек эди. Кўкси сидирилди. Аммо ўзини оқлашдан тийилди. Санжар Шайх олдиға минг истихула билан кирган, аччиқ-тиззиқ гап эшитишга ҳам шай эди. Шукриллох, пир аяди, шафқат қилди. Султон ул-орифин ёнидаги хатчупдан бир қозғиқ қираиб Санжарга узатди.

— Хабарлари бор, Бухорода амри маъруф вақти биз халифа шаънига қаттиқ-қуруқ гап айтдик. Бир бенаво элнинг терлаб-пишиб топган нонини кўндаланг тишлаб еб ётиш амир алмуслимин мартабасига зийнат эмас. Бу ҳаёл йўл бўйи ором бермади. Кўнглимизда мукхтасар бир ҳикмат тугилди. Ани сизга бағишладик. Биздан васият ўрнида ёднома бўлсин.

Санжар пири қомилнинг шеърини кўзига суртиб олди.

(Давоми бор).

»» Молиявий саводхонлик – давр талаби

# АФСУС, БИЛМАСЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ЁМОН-ДА

Бугунги кунда турмуш-мизда энг кўп учраётган воқеалардан бири – фирибгарлик. Алдаш, ишончли суиистеъмол қилиш эвазига бировнинг пули ёки мулкни эгаллаб олиш тубан жиноятлардан ҳисобланади. Жиноятнинг бу тури кейинги йилларда кўпайгани сир эмас.



Содда одамларни алдаб, пулини олиб, бемалол яшашни ўзларига касб қилиб олаётган шахслар ҳақидаги хабарларни интернет тармоқларида ҳам кўндаликда учратиш мумкин.

Бир воқеа тафсилоти билан танишинг. Уч боланинг онаси Зиёда Қосимова (исм-шарифи ўзгартрилди) уяли телефонига қараб ўтириб, буюмлар рекламасида тўхтади. Бир қимматбахо буюмни шу йўл орқали харид қилмоқчи бўлди. Дарҳол тегишли рақамга кўнгирак қилиб, буюртма берди...

Орадан бир неча кун ўтди. Ниҳоят, телефонига кўнгирак бўлиб, буюртмаси тез кунларда манзилига етиб боришини айтишди. Зиёда кутди, ахир 200 минг тенгедан ортиқ пул ўтказиб қўйди-ку. Лекин кўп ўтмай, фирибгарнинг тузоғига осон илинганини ўтқазиб, Худуди шундай буюртма бериб,

бир неча кунлардан буён товарини ололмай юрган бир-икки одамларнинг шубҳали веб-сайтга ёзган изоҳларидан хушёр тортиди. Полицияга мурожаат қилди. У ердагилар бу иш интернет фирибгарларининг навбатдаги ҳийласи эканлигини айтишди. Полициячилар бўтимга келиб тушаётган мурожаатлар ва аризаларнинг аксарияти интернет тармоқларида кенг тарқалаётган реклама ёрдамида, тез ва қисқа фурсат ичида товар етказиб беришлар тўғрисида эканлигини айтишди.

Хуллас, пул ҳам йўқ, товар ҳам йўқ. Интернет каззоблари содда одамларнинг маблагини ўз ҳисоб-рақамларига тушириб олганларидан сўнг, саҳифаларини ўчириб ташлайди. Тергов учун эса етказилган зарарни

кўрсатадиган манзил, шахс бўлиши керак. Зиёда онлайн реклама ва бир-икки телефон рақамларидан бошқасини билмайди. У шу тариқа куйиб қолди.

Огоҳ бўлинг, хушёр бўлинг, нотаниш кимсалар билан мулоқот қилишнинг охири вой. Ҳеч ким сизга йўқотган пулингизни ундириб беролмайди. Бир неча кунлик веб-сайт фаолиятини текшириб, унинг ҳақиқийлигини аниқлаш имконияти ҳам йўқ. Маълум даражада, шубҳали онлайн сайтларни муҳосара қилиш чоралари мавжуд, албатта. Лекин, бунгача одамлар номаълум шахсларнинг ҳисоб-рақамларига ўзи ҳақидаги барча маълумотлар ва пуллари ни тўтказиб қўйишмоқда.

Н. МАВЛОНОВА.

»» Ёднома

# Зокир Мусаев

Саврон тумани, Эски Иқон қишлоғидаги УВУ фахрийси, Зокир Мусаев оламдан ўтди. Зокир ота жорий йил 1 январь куни 100 ёшга тўлган эди. У Саврон туманидан урушга сафарбар қилинган энг сўнгги собиқ фахрий аскар эди. Афсуски, ҚР Президенти Қ. Тўқаев Фармони билан юксак савияда нишонланиши режаланданга Зокир Мусаевнинг 80 йиллиги тантаналарини кўриш бўйнига тош боғлаб дарёга ташла, дейди. Азбаройи савоба фарзанд деган эдик, гуноҳидин ўтдик.

Мунтазам хабар олиб, зарур кўмакни кўрсатиб келганлиги шонли тарих.

3. Мусаев 1925 йили Эски Иқон қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Туркистон ҳарбий комиссариатидан 1942 йили фронтга сафарбар этилди. Қонли жангларда кўп марта яраланиб, ватанимизни немис босқинчиларидан ҳимоя қилишда жасорат кўрсатди. "Улуғ Ватан уруши ордени" ва унга насиб этмади. 3. Мусаев давлатимиз УВУ фахрийлари учун яратган барча имтиёзлардан тўлиқ баҳраманд бўлди.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетасининг ҳар йили 9 май Ғалаба кунига бағишланган саҳифаларида Зокир Мусаевнинг урушдаги жасорати, ҳаёти ва фаолияти ҳақида мақолалар чоп этиларди. Эски Иқон қишлоғи ҳокимлиги уруш фахрийси 3. Мусаевнинг оиласидан

мунтазам хабар олиб, зарур кўмакни кўрсатиб келганлиги шонли тарих.



этиб, ватанини ҳимоя қилиш намунасини кўрсатган, урушдан сўнг меҳнат фронтида барчага ибрат бўлган марҳум Зокир Мусаевнинг оиласига, яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиламиз.

**Женибек МАУЛЕНҚУЛОВ, Бахтжан РАМАНҚУЛОВ, Икромжон ҲОШИМЖОНОВ, Баҳодир ИРИСМЕТОВ, Қурбонбой ИРИСБЕКОВ, Ирискүл АББОСОВ, Дониш МАННОНОВ, Зуппархон ЧОЛДОНОВ, Дилшод САИДОВ.**

# 2025 ЖИЛИ МӘМС-КЕ ҚАНША ТӨЛЕЙМІЗ?

**Қазақстандағы ең төменгі жалақы мөлшері бұрынғы деңгейде қалатындықтан, МӘМС төлемдерінің көбісі өзгермейді.**

Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорында дербес телеушілер мен жеке кәсіпкерлер үшін жарналарды есептеу негізі ретінде ең төменгі жалақыны алатынын еске салды. 2025 жылы оның мөлшері сол күйінде қалады – 85 000 теңге. Демек, жарналар мөлшері де өзгермейді.

Жұмыс берушілер мен жұмысшылар үшін ставкалар да өзгеріссіз қалады – сәйкесінше 3% және 2%.

Тек біржолғы төлем мөлшері өзгереді – 21,5%-дан 23,8%-ға дейін, сондай-ақ жеңілдетілген категориядағы азаматтар үшін мемлекет тарапынан жарналар мөлшері өзгереді – орташа айлық жалақының 1,9%-ына дейін, бұл көрсеткіш өткен екі жылдағы ағымдағы қаржы жылының орташа айлық жалақысынан есептеледі. Бұл мәліметті мемлекеттік статистика саласындағы уәкілетті орган анықтайды. Қазақстан Республикасы Ұлттық статистика бюросының мәліметі бойынша 2023 жылдың қорытындысы бойынша Қазақстан Республикасының орташа айлық жалақысы 364 295 теңгені құрады.

Осылайша, 2025 жылы МӘМС төлемдерінің мөлшері келесідей болады:

- Жұмыс берушілердің жарналары – қызметкердің табысынан 3%;
- Жұмысшылардың жарналары – табыстың 2%-ы;
- Біржолғы төлем төлеушілер – жалақы қорынан 23,8%;

● Азаматтық-құқықтық шарттар бойынша жұмыс істейтін жеке тұлғалардың жарналары – табыстың 2%-ы;

● Жеке кәсіпкерлердің, жеке практикамен айналысатын тұлғалардың жарналары – 5 950 теңге (АЕК-тің 1,4 еселенген мөлшерінің 5%-ы, сәйкес қаржы жылының республикалық бюджет заңымен бекітілген);

● Дербес телеушілердің жарналары – 4 250 теңге (АЕК-тің 5%-ы);

● Мемлекет тарапынан МӘМС-ке төленетін жарналар – 7 285,9 теңге.

МӘМС жарналарын «Қазпощта» АҚ, екінші деңгейлі банктердің қасалары мен мобильді қосымшалары, сондай-ақ терминалдар арқылы төлеуге болады.

**Еске салайық, МӘМС жүйесіндегі мәртебені келесі жолдармен тексеруге болады:**

- Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорының сайты: msqorg.kz
- Telegram-бот (https://t.me/SaqTandyryBot)
- Qoldau 24/7 мобильді қосымшасы
- Кейбір екінші деңгейлі банктердің мобильді қосымшалары
- egov.kz электронды үкімет сайтының «Медициналық қызметтерді тұтынушы ретінде қатысу және міндетті әлеуметтік медициналық сақтандыру жүйесіндегі төлемдер мен жарналар туралы ақпарат беру» мемлекеттік қызметі арқылы.

**Гузаль НУРУЛЛАЕВА, Jacksoft MDS клиникасы бас дәрігерінің орынбасары.**



» Спорт – саломатлик гарови

# ВАТАН – ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

## ЁКИ "ИАССИ" КОНСОРЦИУМИ РАИСИ, ҚЎЛ ТЕННИСИ СПОРТИ ҲОМИЙСИ УМБЕТ АБИЛДАУЛИНИНГ 70 ЙИЛЛИК ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНАДИ

Янги йил арафасида ушбу мақолани ёзиш учун Умбет Абилдаули Жусипбаевнинг шаҳар марказидаги шоҳбекатнинг иккинчи қаватида жойлашган идорасига ташриф буюриб, мулоқотда бўлдим. Юбиларни самимий ниятларини изҳор этиб табриклаган кадрдон ҳамкасблари – "Иасси" консорциуми раиси ўринбосари Раҳим Абдужаппаров, шаҳар тиш шифохонаси бош шифокори Улуғбек Содиқов, стоматолог Абуталип Нурмағанбетов, бош ҳамшира Гулнар Халметовалар билан мулоқотда бўлдик.

– Кўп йиллик анъанага кўра, таваллуд куним муносабати билан қўл теннисидан халқаро мусобақани ташкил этиб, ҳомилий қиламан. Етмиш йиллик юбилейим шарафига бу гал халқаро мусобақа илк бор ўзим барпо этган, машҳур спортчи Октябрь Жарилқапов номи берилган йирик спорт мажмуасида ўтади, – деди Умбет Абилдаули.

Халқимизда "Ватан – оиладан бошланади", деган ҳикматли нақл бор. Умбет Абилдаули Жусипбаевлар сулоласи ҳақида журналист Алмас Ақилбек қаламига мансуб "Ағайинди Жусипбаевтар Өбидда мен Илсен" китобини 2008 йили Алматы шаҳрида чоп этириб, барча қариндош-уруғларига тарқатилишига ҳомилий қилган. Падари бузруквори Абилда Жусипбайули ҳамда волида муҳтарамаси Жибек опанинг тарбиясига амал қилиб, камол топди. Ота-онасидаги асл фазилатларни ўзида мужассам этишга астойдил ҳаракат қилиб, кам бўлмади.

Отаси А. Жусипбайули 1942 йили фронтга отланиб, жанг-



жага эришилганлиги шонли ва ибратли тарих. Қаҳрамон она увнонига сазовор бўлган онаси Жибек ая эса ўн нафар фарзандни тарбиялаб, оқ юзиб, оқ тараб, вояга етказишдек масъулиятли вазифани садоқат ила адо этиш баробарида кийинчиликларни матонат ила енгиб, кўпчиликка ибрат бўла олди.

Умбет Абилдаули ўрта мактабдан сўнг Алматидаги политехника институтини металлургия ихтисоси бўйича олий маълумот олиб, илк меҳнат



ларда иштирок этди. Кўксидаги "Ватан уруши" ордени ҳамда кўлаб медаллар жанг майдонидаги мардлигидан далолат. Урушдан сўн кўп йиллар ўтрор туманидаги йирик давлат хўжалигида бўлим бошқарувчиси бўлиб самарали меҳнат қилди. Йигирма йил мобайнида кўпчилик билан ишлаш маҳорати, муомала маданияти ҳамда обрўси шарофати билан бирор марта ҳамқишлоқлари суд, милиция идораларига ўзаро жанжал, шикоят қилиб бормаганлиги, барча можаро медиация, ўзаро мурося орқали шу нати-

фаолиятини Россиянинг Красноярск ўлкасидаги металлургия корхонасида бошлади. Россиялик кадрдон металлург ҳамкасби Игорь Лужин, Туркистондаги йўл машиналарини таъмирлаш корхонасига раҳбарлик қилган Дуйсенбек Бўлғанбаев, Жарилқасин Шалбаев, Базарбай Мусабековларни ҳаётда тўғри йўл курсатиб, ўрнак бўлган кадрдон устозлари сифатида қадрлайди. Умр йўлдоши, нафақа ёшидаги фахрий педагог Сайран Курманбай қизи билан қобил фарзандлар – Арман, Дана, Руслан, Нурсултан, Ар-



ҳакам, устоз Ўразбек Бўжбанбаев билан мулоқотда бўлдик.

– Қозғоғистоннинг барча вилоятлари, ҳамда кўшни Ўзбекистон ва Қирғизистондан жами 300 дан зиёд қўл тенниси спортчилари бугунги тадбирга ташриф буюрди. Спортчиларнинг ёши улуглари 78 ёшдаги шимкентлик Аширли Бедебаев ҳамда 77 ёшдаги тошкентлик Қаҳҳор Ҳасановлар, энг жажжи спортчилар эса Саврон тумани ва Туркистон шаҳридан 6 ёшдаги Нурсултан Сериккули ва Фанибек Қазибеккулдир, – деди бош ҳакам.

Юбиларнинг ўғли – шаҳар



сенларни тарбиялаб, вояга етказган. Ширин-шакар неваралари оила ишончи ва қувончи. Умбет Абилдаули шаҳар ва вилоят маслаҳатларига бир неча бор депутат этиб сайланган, сайловчиларидан тушган саволлар асосида далаларни сув билан таъминлаш, аҳолидан насия қарзларини ундиришда ҳаётий шароитларга эътибор қаратишдек ўнлаб масалаларни давлат миқёсида дадил кўтариб чиқиб, самарали натижага эришган жонқуяр инсон. Кўп йиллик самарали меҳнати учун "Қўрмет" ордени, "Ерен еңбегі үшін" медали, шаҳар, вилоят ҳокимликларининг кўлаб ташаккурномалари, фахрий ёрлик ва қўтловлари билан тақдирланган. Давлат сиёсатини тарғиб қилиш, адолат ҳамда эл бирлигини мақсад тутган "Өділ билер алқасы" деб номланган жамоат ташкилотини тузиб, унга ҳомилий қилмоқда.

...Январь ойи саккизинчи санасида У. Абилдаулининг етмиш йиллигига бағишлаб, О. Жарилқапов номидаги спорт мажмуасида қўл тенниси бўйича ташкил этилган халқаро мусобақага иштирок этиб, 77 ёшдаги халқаро миқёсдаги бош

маслаҳатининг депутати Нурсултан Умбетули билан ҳам мулоқотда бўлдик.

– Халқаро тадбирнинг очиқлиш маросимида Туркистон шаҳар маслаҳати раиси Ғаппар Амантайули, вилоят, шаҳар фахрий оқсоқоллар кенгашлари фаоллари Тўлқин Саидмуродов, Базарбай Мусабеков, Эргаш Диметов, Дилмурод Жамоллар кутлаб, самимий ниятларини изҳор қилдилар.

Ш. МАДАЛИЕВ

Суратларда: тадбирдан лавалар.

Муаллиф суратга олган.

**P.S.** "Жанубий Қозғоғистон" газетаси тахририяти ҳамда Қозғоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, академик адиб, Абай номидаги ҚР давлат мукофоти соҳиби Қулбек Ергўбек фаол обуначимиз, қўл теннис федерацияси раиси Умбет Жусипбаевни 70 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этиб, мустаҳкам саломатлик, бахт-саодат ҳамда эл равақи йўлидаги фаолиятида янги зафарлар тилайди.

*Шоҳбайт*

"ДАНИЙЛАРҒА БИРОВКИМ  
ЗАРФИШОНДУР,  
ЭШАК ОЛЛИҒА ТЎКМАК  
ЗАЪФАРОНДУР".  
Алишер НАВОИЙ.

(Мазмуни: "Ярамас кимсалар бошидан зар сочиш эшак олдиға заъфарон (сарғиш тусли хушбўй ўсимлик) тўқиш билан барбар").

*Мағриб маърифати*

**НОТИҚЛИК  
ҲАҚИДА**

"СЕНИ ЭШИТИШЛАРИ  
УЧУН ҚАТТИҚ ГАПИРИШ  
КЕРАК. СЕНГА ҚУЛОҚ  
СОЛИШЛАРИ УЧУН ЭСА  
ОҲИСТА СЎЗЛАШ КЕРАК".

Поль КЛОДЕЛЬ,  
француз ёзувчиси.

"ВАЪЗНИНГ ДАРАЖА-  
СИ МИНБАРНИНГ БА-  
ЛАНДЛИГИ БИЛАН ЎЛ-  
ЧАНМАЙДИ".

Веслав БРУДЗИНСКИЙ,  
поляк сатирик  
ёзувчиси.

**НУР  
ШАРҚДАНДИР**

"ИЛМСИЗ ИЛИКСИЗ  
СЎНГАК КАБИ БЎШДИР,  
ИЛИКСИЗ СЎНГАК ЭСА  
ҚЎЛ УРИЛМАЙДИ".

Аҳмад ЮГНАКИЙ,  
буюк туркигўй шоир.

"ЧАЛАСАВОД КИШИ  
ЎЗИДАН ПАСТ, НИМА ДЕ-  
СА "ҲИҚМАТ" ДЕБ ТУРА-  
ДИГАН ОДАМЛАР БИЛАН  
УЛФАТЧИЛИК ҚИЛИШГА  
МОЙИЛРОҚ ҚИЛАДИ".

Абдулла ҚАҲҲОР,  
Ўзбекистон халқ  
ёзувчиси.



Қарғалар  
қағиллай  
бошлағач,  
Булбуллар  
жим бўлар.

Жалолиддин  
Румий.



– Хўш, аҳволинг  
яхшимми?

Мен яхшиман.  
Худди шоҳда ба-  
зўр турган яп-  
роққа ўхшайман,  
тўкилишим учун  
шамолнинг секин  
эсиши кифоя. Ово-  
зим кампиршонинг  
овозига ўхшаб қол-  
ди, кўзларим эса  
бурунгидек оёқ-  
ларимга йўл кўр-  
сатмай кўйган.  
Қадамларим оғир,  
ҳолдан тойганман.  
Лекин ҳаммаси жо-  
йда...

Жек Лондон.  
(Ҳаёт қонуни).



Жаҳонда учрайди тақрор ва тақрор:  
Аҳмоқлар хурматда, ақллилар хор.  
Кимёғар қийналиб ўлиб кетади,  
Аблаҳа хазина насиб этади.  
Кимёғар – ўтмишда оддий маъдан-  
ларни оптину қумушларга айланти-  
риш йўлларини излаган киши.

Агар сен истасанг бойлик ва давлат,  
Энг катта бойликка тендир қаноат.  
Этагинг тўлдирса бир бой зар билан,  
Сен унга қарама шод назар билан.

Катта кишилардан эшитдим ҳар гал:  
Дарвешлар чидама бойликдан афзал.

Дўстни-ку йўқламоқ зарра айб эмас,  
Аммо "Бас!" дегунча боравермагил.  
Бошқалар тергашин  
ёқтирмас бўлсанг,  
Ўзингни, аввало, ўзинг тергагил.

Ўз меҳнатидан нон еган киши,  
Ҳотам миннатидан озод ёз-қиши.

Ақлнинг кўзи ҳам тамаъдан боғлиқ,  
Тамаъдан илнгай домга қуш, балиқ.

Юмшоқ муомала, ширинсўз одам  
Бир қил билан тортиб  
кетар филни ҳам.

» Таботат

**ВАЗН ТАШЛАШ  
УЧУН КИВИ  
КОКТЕЙЛИ**

**Таркиби:**

- Киви – 1 дона
- Лимон – 10 г
- Ялпиз – 15 г
- Петрушка – 10 г
- Сув – 100 мл
- Асал – таъмага қараб.

**Тайёрлаш:**

Киви тозаланиб, кичик бўлақларга бўлинади. Уни блендерга жойлаштиринг. Кивиға лимон, гиёҳ ва сув қўшинг, яхшилаб аралаштиринг. Тайёрлангандан сўнг дарҳол истеъмол қилинг. Натижасини тезда сезасиз.

**СУТ БИЛАН САРИМСОҚ –  
ЭНГ ЗЎР ШИФОБАХШ ДОРИ!**

Сут – 1 стакан, саримсоқпиез – 2 бўлақча.

Сутни идишга қуйиб, оловга қўйинг. Саримсоқни майда тўранг. Қайнатгандан кейин сутга саримсоқ солинг ва оловдан сутли идишни олинг, қопқоғини ёпинг. 10 дақиқа дам беринг.

Ушбу дамламани ҳафтасига 1 марта 1 стакандан ичиб туриш керак. Бу дамлама қон томирларни тозалайди, гижжалардан халос қилади ва йўтални бартараф қилади.



## СПОРТ МАЖМУАСИ ОЧИЛДИ

Ўрдабоши туманидаги Бодом қишлоғида спорт мажмуаси очилди.

Иншоотнинг очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосари М. Ақмуратов, маданият, тилларни ривожлантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари Н. Асанбаев, Бодом қишлоғи ҳокими Н. Байбаховлар иштирок этиб, аҳолини шодиёна билан кутлади.

Янги бинода бокс тўрагига 120 нафар, қозоқ курашига 200 нафар, волейболга 100 нафар, баскетбол тўрагига 100 бола қатнашади.

Спорт мажмуасида болаларга мўлжалланган транспорт хизмати ҳам мавжуд.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

## САЙРАМЛИК ВОЛЕЙБОЛЧИЛАР ҒОЛИБ



Яқинда Шимкент шаҳрида "Жасқанат" волейбол академиясининг ташаббуси билан ўсмирлар ўртасида волейболдан республика турнири ўтди.

Спорт беллашувида юртимиздан 12та жамоа иштирок этиб, ўзаро куч синашди. Натижада, сайрамлик "Ақсу жекпе жек" спорт клубининг волейболчи қизлари ғалаба қозонишди. Шу билан бирга, Шимкент шаҳрида "Volleyball kids" волейбол макта-

бининг ташаббуси билан «Winter cup» республика турнири ҳам ўтди.

Нуфузли беллашувида юртимизнинг барча туманларидан келган 14та жамоа иштирок этди. "Ақсу жекпе жек" спорт клубининг ўсмир йигитларидан иборат жамоа республика турнири чемпиони бўлди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БҮРҒОНБОВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон СҮЙМІНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТӨЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозғоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиши учун муаллифлар, рекламга ва эълон берувчилар масъулдир.  
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.  
KZ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

"ERNUR print" МЧБ босяхонасида чоп этилди.  
Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,  
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.  
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11500 нуска.

Бирорма:

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.